FARG‘ONA VILOYATI QUVASOY SHAHAR HOKIMI
Q A R O R I

2021 - yil 2 - avgust 63-11-167-Q/21 Quvasoy shahar hokimligi

Йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)* қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда; 2017 й., 36-сон, 958-модда)* қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Қувасой шаҳар А.Темур МФЙ раиси М.Абихановнинг 2021 йил 14 июн кунги йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш, аҳоли зич жойлашган йўлларидан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш, “Қувасой шифер хризотел” МЧЖга тайёр курилиш (шифер) маҳсулотларини ташиш учун келиб кетувчи юк машиналарини қонун доирасида шаҳардаги катта кўчалардан ҳаракатланишини йўлга қўйиш масаласидаги №01-08/23-сонли алоқа хати ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қувасой шаҳар А.Темур МФЙ раиси М.Абихановнинг 2021 йил 14 июн кунги йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш, аҳоли зич жойлашган йўлларидан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш, “Қувасой шифер хризотел” МЧЖга тайёр қурилиш (шифер) маҳсулотларини ташиш учун келиб кетувчи юк машиналарини қонун доирасида шаҳардаги катта кўчалардан ҳаракатланишини йўлга қўйиш масаласидаги №01-08/23-сонли алоқа хати қаноатлантирилсин.

2. 4Р-143 “Фарғона-Қувасой-Қизилқия” автомобиль йўлининг 18,5 ҳамда 19,5 км қисмиларига 3.4 “Юк автомобилларининг ҳаракатланиши таъқиқланган” белгиларига қўшимча 2 дона 7.5.3 ҳафтанинг “Жума” ва “Якшанба” кунларига таълуқли ”Қўшимча ахборот белгилари” ўрнатилсин.

3. “Қувасой йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси (Каримов)га ушбу йўл белгиларини ўрнатиш чорасини кўрсин.

4. Қувасой шаҳар ИИБ ЙҲХГ (Хамраев)га транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун ушбу йўл белгиларига риоя қилинишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

5. Шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати (Абдуллажонов) мазкур қарорни шаҳар ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилишини, “Исфайрам” тахририяти (Ў.Каримова) шаҳар ҳокимлигининг газетасида нашр этилишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Алимов зиммасига юклатилсин.

7. Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Шаҳар ҳокими **Р.Рахимжонов**